



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

AKSIYADORLIK JAMIYATI

O'ZOG'IR SANOATLOYIHA
I N S T I T U T I

100000, Toshkent, Mustaqillik shoh ko'chasi, 88 Tel-(998-71)237-34-84 Fax-(998-71)268-99-15 E-mail UZOGIRSL@PROEKT.UZ

**«O'zog'irsanoatloyiha» Instituti akциядорлик жамияти акциядорларининг
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА
Хурматли акциядорлар!**

«O'zog'irsanoatloyiha» Instituti AJ (Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 88-уй, электрон почта манзили: uztp@proekt.uz, uzogir2020@mail.ru) Кузатув кенгашининг 2022 йил 20 июндаги қарорига асосан, 2021 йил якуни бўйича Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2022 йил 30 июнь кунига белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига асосан, агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Бироқ, жамият акциядорларининг 2022 йил 30 июндаги йиллик умумий йиғилишида акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кам бўлган овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 68-моддасига кўра, 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаганлиги сабабли, жамият акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси 2022 йил 15 июль кунини қилиб белгиланди.

Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби ўзгаришсиз қолдирилди.

**Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
Кун тартиби:**

1. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

5. Жамият фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича мустақил аудиторлик ташкилотининг хулосаларини тасдиқлаш тўғрисида.

6. Жамияти 2021 йил якуни бўйича фаолияти ҳамда молия-хўжалик фаолияти юзасидан Бош директорнинг ҳисоботини ҳамда 2021 йил учун бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2021 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

8. Жамият томонидан 2021 йилда олинган соф фойда(зарар)ни тақсимлаш ва жамиятининг жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.

9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

10. Жамият Бош директорини тайинлаш ва меҳнат шартномасини тузиш тўғрисида.

11. Жамият акциядорларининг 2021 йил 30 июндаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибининг 15 масаласи бўйича қабул қилинган қарорнинг иккинчи қисмини бекор қилиш тўғрисида.

12. Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2020 йил

17 сентябрдаги 560-сонли қарори ижроси юзасидан, жамиятга тегишли “Zumrad Servis” МЧЖ томонидан фойдаланиб келинаётган бино ва иншоотларни Давлат активларини бошқариш агентлигига топширилишини маъқуллаш.

13. “Zumrad Servis” МЧЖ фаолиятини тугатиш тўғрисида.

14. Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш.

15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида.

16. Жамиятнинг устав фонди камайрилиши муносабати билан акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар матнини тасдиқлаш масаласини кузатув кенгашига бериш тўғрисида.

17. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

18. Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Жамият бош директори тўғрисида”ги ички низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш.

19. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

20. Жамият ҳудудида жойлашган фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган гараж ва навесларни (соябон ҳудудлар) демонтаж қилиш тўғрисида.

21. Жамиятнинг умидсиз қарзлари (дебиторлик қарзлари)ни жамият бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқариш тўғрисида.

22. Жамиятнинг 2022 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотини тасдиқлаш ва унинг хизмати учун тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш.

Жамият акциядорларининг 2022 йил 15 июль йиллик умумий йиғилиши Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 88-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносидаги мажлислар залида (3-қават) ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш шакли – юзма-юз йиғилиш.

Йиғилиш соат 16:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 15:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 15:50 да тугатилади.

Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси – 2022 йил 20 июнь, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок

этиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри шакллантирилиши санаси – 2022 йил 24 июнь.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 88-уйда жойлашган «O'zog'irsanoatloyiha» Instituti АЖ нинг бош офиси биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: 71-237-34-84.

«O'zog'irsanoatloyiha» Instituti акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши
2022 йил, 30 июнь